

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 5-noyabr, chorshanba № 88 (15830)

Kun mavzusi

Мамлакатимизда ёшларнинг, хусусан, ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, яшаш шароитларини яхшилаш, ўз уйига эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

ёхуд «Камолот» уйлари энг фаол ёш оилалар учун

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 апрелдаги «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим ҳуқуқий асослардан. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган режага мувофиқ мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидан иккитадан 4 қаватли, 64тагача хонадонни ўз ичига олган 48та «Камолот» уйини қуриш, уларни фаол ёш оилаларга имтиёзли кредит асосида бериш, келгусида ушбу тураржойлар негизда «Камолот» шаҳарчаларини барпо этиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 8 сентябрида мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, «Камолот»нинг кўп квартиралли уйларида ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги низом тасдиқланди.

Ёш оилаларни мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши юрист-консультанти Баҳром Илҳомжонов билан суҳбатлашдик.

(Давоми 3-саҳифада)



Юксак Ғалабаларга муносиб рағбат

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида II Параосиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Президентимиз Ислон Каримовнинг фармойишига мувофиқ II Параосиё ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

ва маҳорат ошириши, Параосиё ўйинларига йўлланма берадиган мусобақаларга пухта тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Бу эса, ўз навбатида спортчиларимизнинг II Параосиё ўйинларида юксак ғалабаларни қўлга киритишида муҳим аҳамият касб этди. Мусобақанинг энгил атлетика бўйича баҳсларида паралимпиячиларимиз саккизта олтин, тўртта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Фахриддин Ҳамроев 800 метр масофага югуришда маррага биринчи етиб келиб, Осиё рекордини янгиллади. 200 ва 400 метрга югуришда ҳам рақибларига имконият қолдирмади. У 400 метрга югуриш бўйича қитъа ва Параосиё ўйинлари рекордини ўрнатди.

(Давоми 4-саҳифада)

Жорий йилнинг 18—24 октябрь кунлари Инчеон шаҳрида ўтказилган II Параосиё ўйинларида 27 нафар спортчимиз энгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича мусобақаларда 22та олтин, бешта кумуш ва тўртта бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан ортиқ давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринга сазовор бўлди. Мазкур нуфузли Осиё ўйинларида 31та медални қўлга киритган спортчиларимиз ўзбек

халқининг ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини халқаро майдонда яна бир бор намоён қилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори асосида спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба

Ораста Ва оқила қизлар

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Ораста қизлар» кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида навқирон авлод, айниқса, қизларнинг пухта билим олиши, миллий аънава ва қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбияланиши,

спорт билан шуғулланиши, замонавий касб-ҳунар сирларини эгаллаши йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ўсмир қизлар соғлиғи ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларни спорт, бадий ижодиёт, касб кўникмаларини эгаллашга йўналтирилган тўғарақларга жалб этиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юзасидан бажарилаётган ишлар ҳажми ортмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон ва Хитой рассомлари ҳамда фотоижодкорларининг кўрғазмаси очилди.

Тасвирларга муҳрланган ҳамкорлик

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 22 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган мазкур кўрғазманинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, санъат намояндалари ва ихлосмандлари иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада)



4 ЁН БАРМОҒИ ҲУНАРЛИ



5 ИСТЕЪДОД ҒУНЧАЛАРИ

Учрашув чеч тилида олиб борилди

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетда ФИФА рефериси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, Равшан Эрматов билан ёшлар учрашуви ўтказилди.



Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмасининг Ёш етакчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида ташкил этилган учрашувда нафақат юртимиз, балки бутун Осиёнинг фахрига айланган ҳамюртимиз фаол ёшлар билан ўзининг ҳаётий тажрибаси, футбол ўйини техникаси ҳақида суҳбатлашди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш-

га қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида университетда Ёш етакчиларни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси ташкил этилган. Лойиҳа доирасида «Сардорлар суҳбати», «Китобхонлар баҳси», «Математика билимдонлари» каби тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Бугун ушбу тўғаракларда талаба-ёшлар инглиз тилида иш ҳужжатлари юритиш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга оид машғулотларда қатнашмоқда.

«Сардорлар суҳбати» тўғараги доирасида ташкил этилган ушбу



учрашув ҳам инглиз тилида олиб борилди. Уч юздан ортиқ ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирокида ўтган суҳбат қизиқарли саволларга бой бўлди. Унда нафақат футбол, балки ўз касбининг устаси бўлиб етишиш учун зарур тавсиялар ҳамда тилнинг миллат тараққиётида тутган ўрни хусусида ҳам сўз борди.

— Инглиз тилида бўлиб ўтган эркин мулоқот мен каби ҳар бир тенгдошимни тил ўрганишга ундайди, — дейди Маърифат Расулова. — Доим ижобий ўйлар билан олдинга қадам ташлаш, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаслик каби шиорларни онг ва қалбимизга муҳрлаган севимли реферимиз Равшан Эрматовнинг муваффақиятлари, ҳаёт тажрибалари барчамизга ўрнак бўлди.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» мухбири

Saylov — demokratiya ko'zgusi

Ҳар қандай демократик давлатнинг фаолияти халқчилликка асосланади. Бундай мамлакат демократик тамойилларни ўз миллий қонунчилигига сингдириб, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлайди.



Халқаро сайлов стандартлари ва миллий қонунчилик

Истиклол йилларида сайлов қонунчилигимиз босқичма-босқич ислох қилинди. Миллий сайлов қонунчилигимиз халқаро сайлов стандартлари, демократик жиҳатдан энг илғор мамлакатларнинг ҳамда халқимизнинг тарихий урф-одатлари ва ижтимоий-сиёсий тажрибасига таянади.

Халқаро стандартлар сайлов қонунчилигида муҳим ўрин тутди. Чунки улар ўзида бутун дунё мамлакатлари томонидан тарихий жараёнда тўпланган бой тажрибаларни акс эттиради. Адолатли ва эркин сайловларни ўтказиш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Лекин уларнинг ҳеч бири барча давлатлар учун бирдек андоза бўлиб хизмат қила олмайди. Шу маънода халқаро стандартлар ҳам замон талаблари асосида такомиллашиб боради. Ўз навбатида халқаро ҳужжатларни ратификация қилган ҳамда уларнинг нормаларини миллий қонунчилигига жорий қилган давлатларнинг ҳам сайлов қонунчилиги шунга мос равишда ривожланиб бормоқда.

Сайлов стандартлари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишга бўлган ҳуқуқларининг тамойил ва қоидаларини ўзида мужассам этишига қараб универсал ва минтақавий ҳужжатларга бўлинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Парламентлараро иттифоқ томонидан қабул қилинган Эркин ва адолатли сайловлар тамойиллари тўғрисидаги декларация, ЕХХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари мустаҳкамланган асосий манбалар сирасига кирди. Уларда универсал ва минтақавий халқаро сайлов стандартларининг мезонлари ўз аксини топган. Ушбу манбаларга қўра, сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри ҳамда яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида таъкидланганидек, ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим. Бу даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган, овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган сайловларда ўз аксини топади. Зеро, демократиянинг энг муҳим тамойили — фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун шароит ва имкониятлар яратиш ҳамда ҳуқуқий замин ҳозирлашдан иборат.

Бугунги кунда халқаро сайлов андозаларида акс этган умумийлик, тенглик, адолатлилик, яширинлик, эркинлик, ошқоралик ва масъуллиқ мезонлари миллий сайлов қонунчилигимизга татбиқ этилган. Бу эса республикамизнинг ҳар бир фуқароси миллати, дини, irqи ва келиб чиқишидан қатъий назар бирдек сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканидан далолат беради.

Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири

Тасвирларга муҳрланган ҳамкорлик



(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкор-

лик барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишларида ҳам изчил тараққий этиб бормоқда. Юртимизда Хитой рас-

сомларининг бадий ва фотоқўرғазмаларини ўтказиш, Хитойда эса Ўзбекистон санъати ютуқларини акс эттирган кўрғазмалар, концертлар ташкил этиш яхши анъанага айланган.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ҳамда Хитой миллий рассомлик академиясининг «Буюк ипак йўли бўйлаб ижодкорлик: Ўзбекистондаги изланиш» номли қўшма лойиҳаси бўлган ушбу кўрғазма мамлакатлари-

миз ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг яна бир ифодаси бўлди. Икки мамлакат ижодкорлари томонидан яратилган бу асарларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ривожи, ҳамкорликда турли жабҳаларда эришилган ютуқлар ўз аксини топган.

Кўрғазмадан ўрин олган асарлар, ёрқин рангларда акс эттирилган турфа композициялар санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирмоқда.

И.УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

2014-yil — Sog'lom bola yili

ОРАСТА ВА ОҚИМА ҚИЗЛАР

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги барча таълим масканларида «Ораста қизлар» тўғараклари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад ўқувчи-қизларда шахсий гигиена ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш, эрта турмуш қуриш ҳолларининг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизларга оила, унинг муқаддаслиги ҳақида тушунчалар бе-

ришдан иборатдир.

Бугунги кунда қизларнинг муомала, кийиниш, нутқ одобининг тўғри шаклланиши, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, озодалик, уй-рўзғор тутумига оид билим ва кўникмаларни эгаллашида ушбу тўғаракларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

— Мактабимизда ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғарагига кўплаб қизлар аъзо, — дейди Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 14-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дилноза Қодирова. — Мазкур тўғаракда олимлар, мутахассислар, «Камолот» фаолла-

ри, маънавият тарғиботчилари иштирокида ўтказилаётган машғулотлар ўқувчиларга узлуксиз таълимга оид ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, миллий анъана ва қадриятлар, оила, жамият, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни янада теран англаш имконини бермоқда.

Кўрик-танловда иштирокчиларнинг сиёсий, ахлоқий, тиббий-гигиеник билимлари синовдан ўтказилди. Айни пайтда тўғарак аъзоларининг ўз тенгдошлари қалбида ватанпарварлик, юрт қадири учун дахлдорлик, огоҳлик ва хушёрлик туй-

ғусини тарбиялаш, уларда ўқишга бўлган қизиқишни кучайтириш, 12 йиллик узлуксиз таълимнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, хонадони ва маҳалласини озода сақлаш каби амалий ишлари аτροφлича таҳлил этилди.

Танлов якунида голиб жамоаларга сертификат ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

ёхуд «Камолот» уйлари энг фаол ёш оилалар учун

**(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)**

— Ушбу қарорнинг қабул қилиниши ёш оилалар учун ажойиб янгилик бўлди, — дейди Б.Илҳомжонов. — Қарор низомига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Камолот» уйлари қуриш ҳамда фойдаланилмаётган ёки қурилиши тугалланмай қолган объектларни кўп квартиралар уйлари сифатида реконструкция қилиш, Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фоизли ставкада (ўн фоиз) ипотека кредити асосида ёш оилаларга мулк қилиб бериш тартиби белгиланди. Эътиборлиси, «Камолот» уйлари йигирма йил муддатга имтиёзли ипотека кредити эвазига берилади. Унинг дастлабки беш йили имтиёзли давр ҳисобланиб, бошлангич бадал тўлови талаб қилинмайди.

— Ушбу қарордан сўнг тахририятимизга ёш оилалардан кўплаб саволлар келмоқда. «Камолот» уйлари олишнинг қандай талаб ва мезонлари бор?

— Қарор бўйича учта асосий талаб қўйилган. Яъни ёш оилалар деганда биринчи марта қонуний никоҳдан ўтган, «Камолот» уйларида бирини ипотека кредити асосида сотиб олиш учун ариза берган пайтда эр-хотин ҳам ўттиз ёшдан ошмаган бўлиши керак. Бироқ янги барпо этилаётган квар-

тиралар фақат ўттиз ёшгача бўлган ёш оила соҳиблари ёки биринчи қонуний никоҳдан ўтган барча оилаларга эмас, балки эр-хотин доимий яшаётган ҳудудда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида рўйхатда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оила (давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика миқёсидаги мусобақалар, танлов ва олимпиадалар совриндори бўлган)ларга берилади. Баъзилар уй-жойга муҳтожлар ким, деган савол билан мурожаат қиляпти. Ушбу қарор низомининг биринчи иловаси билан тасдиқланган 5-бандига кўра, эр-хотин доимий рўйхатдан ўтган жойда ижара асосида ёки яшаш учун яроқсиз биноларда яшаётган бўлса ҳамда уй-жой мулкдори ҳисобланмаса, шунингдек, оила аъзолари орасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ сурункали касалликларнинг ўткир шакллари билан касалланган бўлса, уй-жойга муҳтож деб топилади. Ушбу низомнинг 5-бандида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирдагина эр-хотинларнинг хоҳиши бўйича ёш оила бир ёки бир вақтнинг ўзида барча асослар бўйича ҳисобга қўйилиши мумкин. Асосий талаблардан бири ёш оила мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиши ҳамда юксак натижа-

ларга эришган бўлиши керак. Хусусан, давлат мукофотлари ва стипендиатлар, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинлари, олимпиадалар совриндорлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари бу рўйхатга киритилиши мумкин.

— **Ота-онаси билан кенг ҳовлида бирга яшаётган юксак натижаларга эришган ёш оилалар ҳам бор. Лекин ҳар бир ёш оила ўз уй-жойи бўлишини истайди. Улар ҳам «Камолот» уйларидаги квартираларга эга бўлиши мумкинми?**

— Албатта, мумкин. Ушбу ҳолатлар ҳам низомда тартибга солинган. Яъни низомнинг 7-бандида ёш оилалар уй-жойга эга бўлиши учун Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашларига қандай ҳужжатлар тақдим этиши кўрсатилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси томонидан ёш оилалар номида ҳақиқатдан ҳам тураржой йўқлиги тўғрисидаги, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан ёш оиланинг тураржой шароитлари тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилиши кўзда тутилган.

— **«Камолот» уйларидаги квартираларни олиш учун номзодларнинг ҳужжатлари қандай тартибда кўриб чиқилади?**

— Номзодларнинг ҳужжатлари эр-хотинлар доимий рўйхатда турган жойдаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашлари томонидан қабул қилинади ва икки кун муддатда кўриб чиқиш учун тегишли ҳудудий комиссияга юборилади. Ҳудудий комиссия ўн иш кунига тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги ва ҳақиқийлигини текшириб, жойнинг ўзига чиқиб ариза берувчининг тураржой шароити, кредитга лаёқатлилигини (ариза берувчи ва оила аъзоларининг даромадини) ўрганади ҳамда натижалар бўйича белгиланган тартибда далолатнома тузади. Шу орқали ёш оилани тураржойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида хулосага келади. Ушбу далолатнома тақдим этилган барча ҳужжатлар

илова қилинган ҳолда уч кун ичида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашига юборилади.

Ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда ҳудудий комиссия икки кун муддатда ҳужжатлар ва хулосани рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда «Камолот» ЁИХ туман ва шаҳар кенгашига юборди. Ҳаракатнинг шаҳар ва туман кенгашлари эса икки кунда ариза берувчини рад этиш сабабларини ёзма равишда хабардор этиб, унга тақдим этган ҳужжатларини қайтариб беради.

Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Камолот» уйлари ажратиш бўйича комиссия ҳужжатларни ҳудудий комиссиялардан келиб тушган кундан бошлаб беш иш кундан кечиктирмай кўриб чиқади ва ёш оиланинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўймаслик ҳақида қарор қабул қилади. Бу ҳақда ҳудудий комиссиялар орқали беш иш кун давомида ариза берувчи ҳамда «Камолот» ЁИХ туман ва шаҳар кенгашини ёзма равишда хабардор этади.

Ҳисобга қўйилган ёш оилаларга «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши тавсияномаси улар учун зарур бўлган тураржой мавжудлигидан келиб чиқиб, навбат билан тақдим этилади.

— **«Камолот» уйларидаги квартираларни навбатсиз ҳам олиш мумкинми?**

— Ёш оила соҳибларининг ҳар иккаласи меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси ёки сурункали касалликларнинг ўткир шакллари билан касалланган бўлса, мумкин.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ушбу қарор билан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёш оилаларга уй бермайди, балки «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ёш оилалар билан улар доимий рўйхатдан ўтган жойдаги тижорат банки ўртасида ипотека кредитини бериш тўғрисидаги шартномани тузиш ва «Камолот» уйлари сотиб олиш учун тавсиянома беради. Айти кунларда ҳудудий комиссияларда «Камолот» уйларидаги квартираларни олиш учун келиб тушган аризалар кўриб чиқилмоқда.

— **Ҳозирда мамлакатимизнинг қайси ҳудудларида «Камолот» уйлари қуриляпти?**

— Айти кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида «Камолот» уйлари қуриш қизғин давом этмоқда. Бун-

дай уйлар Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Амударё, Эллиққалъа ва Хўжайли туманлари, Хоразм вилоятининг Гурлан, Хива ва Хонқа туманлари, Андижон вилояти маркази, Балиқчи ва Асака туманлари, Бухоро вилояти маркази, Когон шаҳри ва Ғиждувон тумани, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳри, Шаҳрисабз ва Муборак туманлари, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри, Жарқўрғон ва Қумқўрғон туманлари, Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳри, Тошлоқ ва Учкўприк туманлари, Наманган вилоятининг Уйчи шаҳарчаси, Мингбулоқ ва Тўрақўрғон туманлари, Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри, Кармана ва Қизилтепа туманлари, Самарқанд вилоятининг Жомбой, Иштихон ва Пастдарғом туманлари, Жиззах вилоятининг Пахтакор, Фаллаорол ва Мирзачўл туманлари, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри, Оқолтин ва Сардоба туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод, Олмалик, Ангрен шаҳарлари, Охангарон ва Бўстонлиқ туманлари, Тошкент шаҳрининг Сергели, Учтепа ва Бектемир туманларида бунёд этиляпти ва мавжуд бинолар реконструкция қилинмоқда.

— **Қулай ва замонавий шароитларга эга бундай уйлар қачон ўз эгаларига топширилади?**

— Ушбу қарор асосида уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқини қўлга киритган ёш оилалар шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб «Камолот» уйларидаги квартираларнинг эгасига айланади.

PS. «Камолот» уйларидаги квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича ҳудудий комиссиянинг таркиби Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-қарори билан тасдиқланган «Камолот»нинг кўп квартиралар уйларидаги ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-илловасида келтирилган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

«Камолот» уйларидаги квартираларга эга бўлиш учун ёш оила соҳибларидан бири доимий рўйхатдан ўтган жойи бўйича Ҳаракатнинг туман ёки шаҳар кенгашига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгаши раиси номига ариза;
- биринчи қонуний никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- оиланинг таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва оила аъзоларининг паспортлари (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар) нусхалари;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан берилган ёш оиланинг тураржой шароитлари Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги 250-қарори билан тасдиқланган «Камолот»нинг кўп квартиралар уйларидаги ёш оилаларга квартиралар бериш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги, яъни ёш оила ижара асосида ёки яшашга яроқсиз биноларда истиқомат қилаётгани, шунингдек, оила аъзолари орасида сурункали касалликларнинг ўткир шаклларида чалинган, шу сабабли алоҳида квартирада яшашга муҳтож шахслар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- иш берувчининг муҳри билан тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- эр-хотиннинг доимий иш жойидан берилган охириги 12 ой давомидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотномалар ёки уларнинг яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган охириги 12 ой давомидаги даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган номзодлар (эр-хотин) номида мулк ҳуқуқи асосида тураржой йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- Ёш оила соҳибларининг республика ва халқаро миқёсда эришган ютуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Hunar — zar

ЎН БАРМОҒИ ХУНАРЛИ

Қўшни қишлоқлик Айтимбет оғанинг қизи тўйида ўз қўллари билан тиккан кўк кўйлак, савкелесини кийди, ҳавжар айтиб, қора уйга гиламини тўшади, бўлажак турмуш ўртоғига эса чиройли дурлар билан беаган қўл рўмолини совға қилди. Қорақалпоқ миллий амалий санъатини кўз-кўз қилиб, миллийликни соғинган қалбларда илқлик уйғотган бу тўй момоларимиз тилида дoston бўлди. «Қизнинг ўн бармоғи хунарли экан! Хунаридан камол топсин, илоё!» деган мақтовлардан таъсирланган бошқа қизлар ҳам миллий хунармандчилик сирларини ўрганишга қатъий бел боғлади. Улар орасида қўнғиротлик Гулшод Қодирбоева ҳам бор эди...

— Қорақалпоқнинг бўйи етган қизлари сепини ўзи тиккан каштачилик буюмлари билан бойитади, — дейди Гулшод. — Деярли унутилаётган ушбу қадимги анъанани бугун янги авлод вакиллари яна қайта тикляпти. Тўйим шу йил декабрга белгиланган. Хунармандчиликни ривожлантириш марказида бахт кунда қиядиган миллий либосларимни тикишни ўрганаёпман.

Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими қошидаги хунармандчиликни ривожлантириш марказининг ташкил этилганига кўп бўлмади. Айни пайтда бу ерда каштачилик, гиламдўзлик, зардўзлик тўгараклари, кутубхона фаолият юритмоқда. Эллик нафар қиз қорақалпоқ миллий амалий санъатини ўрганоқда.

Марказга кириб борар эканмиз, миллий кўк кўйлак, жегде, савкеле, тақия, қорақалпоқча нақшлар туширилган гиламларга кўзимиз тушди. Айниқса, рангбаранг безатилган ўтов («Қора уй») эътиборимизни тортиди.

— Ўтов ўтмишда тураржой вазифасини ўтаган, — дейди чимбойлик 82 ёшли хунарманд Улбўсин Ўтепбергенова. — Одатда, ўтовни қиз-жувонлар беаган. Асосан бўртма ва ясси гулли нақшли тўқимачилик намуналаридан фойдаланилган. Буюртма гуллар жун ипда яссилари эса ипак, жун ипларда тикилган.

Саккиз бурчакли («Қора уй»)нинг бўйин қисми шундай шак-

лда) ўтовга қирамиз. Уй тўрида етти қават момиқ куроқ кўрпачалар тўшалган.

— Ёш оила бахтли бўлсин, деган яхши ниятда шундай кўрпачалар тикилади, — дейди каштачи Зухра Султонова. — Қадимда куёв бўлажак рафиқаси ўз қўллари билан тиккан куроқ кўрпачаларда ўтирган. Бу анъана ҳозир ҳам бор.

Тўгараклар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида гилам тўқийётган қизларга юзландик. Улар дастгоҳда оқ баскур тўқияпти. Гумисайнинг айтишича, ўтовнинг белига ёпиладиган оқ баскурга ясси гуллар туширилади. Тўрт метрли гиламни чевар икки ойда тикиб битирар экан.

Бир-бирдан ажойиб, кўрганда кўзинг қувнайди-я?!

Табиий буёқлар тайёрлашни ўрганаётган тенгдошларимиз билан ҳам танишдик. Тўгаракда ўн нафар қиз ўсимликлардан табиий буёқ олиш сирларини ўрганапти. Олтиной Навбетова уларга қизил янтоқни куёшда қуритиб, қайнатиш йўли билан сифатли буёқ олишни тушунтиряпти.

— Янтоқдан олинган буёқ сифатли, қанча ювсанг ҳам ранги ўчмайди, — деб тушунтиради Олтиной опа.

Қизлар янтоқ, туронғилдан ранг олиш усулларида бохабар бўлди. Вақтни бой бермай туронғилнинг сувига матони солиб қайнатди. Опкоқ мато сариқ ранга кирди.

Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда ЮНЕСКОнинг

мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган марказ миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш, бой маданий меросимизни, амалий санъат асарларини кенг тарғиб этиш, миллий хунармандчилик сирларини ёшларга ўргатишга хизмат қилмоқда. Миллий каштачилик ва амалий санъат асарларини халқаро миқёсда тарғиб этиш ва сайёхликни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Марказнинг мингдан ортиқ китоб фондига эга кутубхонаси бўлиб, у ерда халқ амалий санъатига бағишланган асарлар мавжуд. Хунар ўрганиш истагидаги ёшлар кутубхонадан керакли китобни олиб, фойдаланиши мумкин.

— Кутубхонамизни китоблар билан тўлдириш осон бўлмади, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси Гулбахор Изентаева. — Миллий амалий санъатимиз ҳақидаги китоблар, қўл ёзмаларни узоқ туманлардан йиғдик. Унутилиб кетаётган миллий урф-одатларимизни тикладик. Миллий хунармандчилик билан шугулланаётган отахонларни топиб, улардан хунармандчилик сирларини ўргандик. Марказимиздаги тўгаракларга жалб қилдик. Бугунги кунда қорақалпоқ ёғоч ўймакорлиги санъати йўқолиб борапти. Бу хунар билан шугулланаётган инсонларни топиш амрамаҳол. Кегайли туманида бир кекса хунармандни топдик.

У киши жуда кекса бўлгани сабабли марказга кела олмади. Ҳозир ота хунарини шоғирдларига ўргатмоқда. Қўнғиротлик заргар ота ҳақида видеоролик тайёрлаёпмиз. Уйлайманки, халқ амалий санъатини асраб-авайлаб, уни янада ривожлантирган ҳолда келажак авлодга етказиб бера оламиз. Негак, бундай эзгу ишга мамлакатимиз кенг имкониятлар яратган.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими қошидаги хунармандчиликни ривожлантириш марказида «Қорақалпоқ миллий қўл хунарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раиси Кристина Пиккат марказ фаолиятини янада ривожлантириш ва жойларда кўчма семинар-тренинглар ташкил қилиб, хотин-қизларга миллий хунармандчиликни ўргатиш таклифини илгари сурди. Шунингдек, марказнинг веб-сайтини очиб, унда миллий санъат буюмлари савдосини ташкил қилиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шу кунларда матоларга табиий буёқлар бериш, қорақалпоқ миллий каштачилиги, гилам тўқиш ва ўтовни беааш усуллари бўйича туманларда

кўчма ўқув семинарлар ўтказилмоқда. Унда хотин-қизлар хунар сирларини ўрганапти. Улар орасидан Айнура Эримбетова келажакда ўз бизнесини бошлаш ниятида.

Бугун марказда хунар ўрганаётган хотин-қизлар ўз қўллари билан яратган санъат асарлари — гилам, оқ баскур, миллий либослар, рангли матолар ҳамда чиройли миллий нақшли баскурлар билан безатилган ўтовларнинг кўргазмасини ташкил қиляпти. Қорақалпоқ халқининг миллий дастурлари ҳақида «сўзлаётган» ушбу буюмлар кўргазмага келган ёшларда катта таассурот уйғотмоқда. Буни уларнинг юзидаги ҳайрати исботлаб турибди.

— Боболаримиз оқ, кўк, яшил, қизил, сариқ рангдаги кийимларни кийибди, — дейди Нукус давлат педагогика институти талабаси Гулзабийра Тўрешова. — Бу ранглар осмон, ҳаво, тупроқнинг рамзи. Шундай чиройли либосларни кўриб, миллий кийимлар тикишга менда ҳам ҳавас уйғонди. Марказнинг миллий каштачилик тўгарагига аъзо бўлдим.

... Энди Қорақалпоғистонда миллий каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, хунармандчиликни аждодлардан-авлодларга етказувчи, бой маданий меросимиз ва амалий санъат асарларини ёш авлодга ўргатувчи шундай марказ бор...

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири



Юксак Ғалабаларга муносиб рағбат

(Давоми, бошланиши 1-саҳифада)

Яна бир ҳамюртимиз Маъруфжон Муродиллаев 1500 ва 800 метр масофага югуриш баҳсларида ўзининг тенгсиз эканини исботлаб, икки марта шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. У ҳам мазкур масофаларда эришган натижалари билан Осиё рекордини янгилади.

Терма жамоамиз аъзолари Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Улугбек Чориев ва Фахриддин Ҳамроев жамоавий баҳсда 4x100 метр масофага югуриш бўйича яна бир олтин медални қўлга киритиб, энг юқори натижани кўрсатди. Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори Мавлонбек Ҳайдаров ядро улоқтиришда Осиё рекордини ўрнатди, халқимиз ишончини оқлади.

Енгил атлетиканинг диск улоқтириш

баҳсларида Хусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Фарух Мирзакулов узунликка сакраш мусобақаларида кумуш, Миран Сахатов турли масофаларга югуриш бўйича иккита кумуш, Сирожиддин Норов иккита бронза ва Дамир Пашаев битта бронза медал билан тақдирланди.

Мусобақада дзюдочиларимиз етти-та олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди. Шариф Халилов вазни 81 килограммга бўлган полвонлар мусобақасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Одилжон Тулендибоев энг оғир вазндаги полвонлар беллашувида Параосиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Вазни 73 килограммга бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Феруз Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобига олтин медални туҳфа этди.

Полвонларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердиев, Шуҳрат Бобоев, қизлар баҳсида Севинч Салаева ҳам ўз вазн тоифасида барча рақибни устидан муваффақият қозониб, олтин медални қўлга киритди. Гулрух Раҳимова кумуш медалга эришган бўлса, Шарин Шарипов кучли учликдан жой олди.

Сузиш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Кирилл Панков бир йўла тўртта, Дмитрий Хорлин учта олтин медални қўлга киритди. Кирилл Панков 50 ва 100 метр масофага эркин, 100 метрга чалқанча ва 200 метрга комплекс усулда сузиш бўйича мутлоқ ғолиб бўлди. Дмитрий Хорлин 50, 100 ва 400 метрга эркин усулда сузиш баҳслари-

да шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эътиборлиси, Дмитрий Хорлиннинг ҳар уч йўналишда, Кирилл Панковнинг 50 метр масофага эркин сузишда қайд этган натижаси билан Осиё рекордчиларига айланди.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси раиси ўринбосари У.Аҳмаджонов, енгил атлетика бўйича мураббий С.Абдухоликов, спортчилар Ф.Саидов, С.Салаева, М.Ҳайдаров ва бошқалар спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев қатнашди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

«Kamalak yulduzlari — 2014»

Истеъдод Фунчалари

Шу кунларда «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда. Ўз иқтидори, интеллектуал салоҳияти билан «Камалак»нинг ёрқин юлдузлари бўлиш орзусидаги болаларнинг орзиқиб кутган мазкур танлови «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида бўлиб ўтган танловда ҳам ёш истеъдод эгалари мумтоз, вокал, миллий чолғучилик, рақс, тасвирий ва амалий санъат, бадий ижод йўналишларида ўз қобилиятини намойиш этиб, республика босқичига йўлланма олди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивали Нукусдаги «Прогресс» таълим ва ривожлантириш маркази ҳамда Эсжон бахши номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди.

Фестивални Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Мақсет Алеёв очиб берди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, бугун ёшларимиз ҳамма соҳада фаол ва ташаббускор, — дейди Мақсет Алеёв. — Уларнинг шундай муваффақиятларга эришиб, ўз истеъдоди билан юртимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшишга ундаётган танловлардан бири бу — шубҳасиз, «Камалак юлдузлари» дир. Сизлар қобилиятингиз, билим-салоҳиятингиз билан Ватанимиз осмонини янада чароғон этишга қодирсиз. Ўйлайманки, бугунги танловда ҳақиқий истеъдод эгалари қолиб бўлади.

Танлов иштирокчиларининг мумтоз мусиқа, вокал, миллий чолғу, рақс ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, шеърят йўналишларидаги чиқишлари ва ижодий ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

— Танловда «Она юрт» кўшиғини лофиз йўлида (қорақалпоқча — «баланд овозда куйлаш») ижро этдим, — дейди танлов қатнашчиси Насиба Бозорбоева. — Кенг омма олдида



ўз истеъдодимни намойиш этишим учун шароит яратган танлов ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман. Дўстларимга эса омад тилайман!

— Танловда лойдан ясаган миллий ўйинчоқларим билан қатнашдим, — дейди тасвирий ва амалий санъат йўналишида ҳакамларнинг эътирофига сазовор бўлган Суларна Ўрозова. — Бу ҳунарни бувижоним ўргатган. Лойдан ҳайкалчалар ясаш қийин. Агар лой илиқ сув билан яхшилаб қорилмаса, қуёшда қуритилганда ёрилиб кетади. Шу боис ҳунарманд лой тайёрлаш технологиясини ҳам яхши билиши керак. Катта бўлсам, Нукус шаҳрида лойдан ясалган ўйинчоқлар сотиладиган дўкон очаман.

«Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон

Республикаси босқичида 287 нафар ўғил-қиз беллашди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши, халқ таълими ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда мамлакатимизда болалар истеъдодини камол топтиришга қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг самараси ўлароқ, қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида сўз юритилди. Танловда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган беш юз нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди.

Фестиваль аввалида намойиш этилган ёш рассом ва ҳунармандларнинг санъат асарлари кўргазмаси йиғилганлар эътирофига сазовор бўлди.

— «Камалак юлдузлари» ёш истеъдодларни излаб топаяпти, уларнинг қобилиятини рўёбга чиқармоқда, — дейди Дурдона Мухторова. — Танлов иштирокчиларининг иқтидорини кўриб, мана бундай кўргазмани томоша қилиб, укасингилларимнинг камолотиға ишончим ортди. Қаранг, Ватан чизгиларини шундай дарё тимсолида тасвирлаш кимнинг ҳаёлига келибди? Мазкур фестиваль навқирон болаларнинг қобилиятини янада оширадиган танлов бўлишига ишонаман.

Ижодий беллашувда йигирма нафар ўғил-қиз ўз йўналишларида қолиб деб топилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Болалар ижодиёти фестивалининг бу йилги вилоят босқичида 370 нафар ёш иштирок этди. Улар турли

йўналишларда ўз истеъдодларини кўрсатди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари эса танлов қатнашчиларининг ижодий ишлари ҳамда саҳна чиқишларини баҳолаб борди.

— Икки йилдан буён скрипка чаламан, — дейди Наманган шаҳридаги 70-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Аҳрормирзо Раҳмонов. — Танловда «О Силе» куйини ижро этдим. Катта бўлсам созанда бўламан ва ўзбек санъатининг довуғини бутун дунёга таратаман.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Танловнинг бу йилги шаҳар ва туман босқичида етти минг нафар ўғил-қиз қатнашган бўлса, шундан беш юз нафари «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичида иштирок этишга муваффақ бўлди. Улар вокал, миллий чолғу, рақс, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишларида ўзаро беллашди. Танловда иқтидорли ўғил-қизларнинг ижодий ишлар кўргазмаси ташкил этилди. Қолиблар муносиб тақдирланиб, ҳал қилувчи — мамлакат босқичига йўлланма олди.

Бахтли болалик, Ватан, табиат илҳомларини кўшиқларга жойлаб, расмларга тушириб, рақсларда жилвалантирган болаларнинг байрам концертидаги чиқишлари йиғилганларга манзур бўлмоқда. Укасингилларимизнинг шундай интилишию истеъдодини кўриб, келажакимиз шубҳасиз буюк бўлишига чин дилдан ишондик. Ва бу болаларга «Камалак юлдузлари»нинг республика босқичида ҳам омад тиладик.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Yilning eng faol yosh mutaxassislari

Болалигимда Изергил кампир ҳикояларини севиб ўқирдим. Унинг қаҳрамони Данкога жуда ҳавасим келарди. Мард, жасур йигит юрагини суғуриб, уни гўё шамдек баланд кўтарганча одамларни зулматдан ёруғлик сари олиб чиқади... Бугун эса тараққиёт замони. Оёғингиз остидан тортиб, баланд-баланд биноларгача нур таралиб туради. Юракни «суғуриб олишга» ҳожат йўқ. Аммо, Данкога ўхшаганлар ҳозир ҳам топилади. Уларнинг мақсади — одамларга нур улашиш, дунёни мунаввар этиш.

ЧАРОҒБОННИНГ ЧАРОҒОН ЙЎЛИ

Бухоро вилоятининг «Қора марварид» деб таърифланган Қоровулбозор туманида туғилиб, вояга етган Жамшид Гуловни замонамиз Данкосига ўхшатиш мумкин. Мактабда физика фанини кунт билан ўрганган Жамшид ўқувчиликданок техникага меҳр қўйди. У чўл худуди аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришда ўз ҳиссасини қўшишни жуда хоҳларди. Шу истак йўлида ўқиди, изланди.

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти (ҳозирги Бухоро муҳандислик-технология институти)да таълим олди. Талабалик даврида ёритиш мосламалари учун янги дизайнларни яратди. Бир қатор техник лойиҳалар ишлаб чиқди.

Электр-энергетика муҳандиси мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган Жамшид дастлабки фаолиятини «Бухоро худудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ Қоровулбозор тумани электр таъминоти корхонасида электромонтёрликдан бошлади. Корхонанинг тажрибали энергетиги Ихтиёр Рамазновга шогирд тушиб, соҳани янада чуқурроқ ўрганди. Унинг энергетика соҳасида инновацион янгиликлар қилиш борасидаги саъй-ҳаракати корхона раҳбари Бўстон Аслонов назарига тушди. Кўп ўтмай, Жамшид Гулов масъулиятли вазифа — тижорат бўлими муҳандиси лавозимига тайинланди. Фаолияти давомида бир қанча ихтиролар қилди. Электрпайвандлаш қурилмасини масофадан туриб бошқариш мосламаси шулар жумласидан. Ушбу мослама пайвандлаш жараёнида электр энергиясини элик фоизгача тежаш имконини беради. Электромонтёрлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, уларнинг каскаларига огоҳлантирувчи сигнал ўрнатиш гоёси ҳам ёш мутахассис Жамшид Гуловга тегишли.

Қаҳрамонимиз ихтиролари билан турли танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришган. Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловида у «Энг фаол ёш энергетик» номинацияси бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди. Унинг техник лойиҳа ва ихтиролари малакали мутахассислар томонидан ўрганилиб, энергетика соҳасида татбиқ этишга тавсия қилинди.

— Келгусида соҳа ривожини йўлида изланишларимни давом эттириш истагидаман. Шу орқали юртимизда электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш ва тежашга ҳиссамни қўшсам дейман, — дейди Жамшид Гулов.

Орадан йиллар ўтиб, ўзбек йигитининг энергетикага оид ихтиролари дунёни ёритса, қаддингизни тик тутиб, юрак кўри ёғдусини қўлида баланд туган бу йигит — бизнинг қаҳрамон, деб қўйишни унутманг.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



Ўза суратлари

Premyera oldidan

Миллий қиёранинг бадиий таҳлили

Тез кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан суратга олинган «Катта ҳовли» мусиқали кинокомедия юртимиз экранларида намойиш этилади. Премьера олдида ижодий гуруҳ иштирокида матбуот анжумани ташкил қилинди.

Фильмда халқимизнинг бугунги фаровон ҳаёти, маънавий қиёфаси, қадриятлари, турмуш тарзи, миллий урф-одатлар, қишлоқ ва шаҳарларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, замонавий ёшлар ва ёш оилалар ҳаёти очиб берилди. Унда юзга яқин персонаж жамланган. Ролларда кино актёрлари билан бирга, Озодбек Назарбеков, Гулсанам Мамазоитова каби таниқли эстрада хонандаларини ҳам

қўриш мумкин.

— Картина бир нечта сюжет линияларидан ташкил топган, — дейди «Катта ҳовли» мусиқали фильми сценарий муаллифи ва постановкачи режиссёри Нилуфар Иброҳимхўжаева. — Уларни умумлаштирган ҳолда томошабинга «Ватан — битта, Ватан — ягона» деган ғояни етказишга ҳаракат қилдик. Бу фильм барча ёшдагилар учун. Кинокомедия жанрида ишланган бўлишига

қарамай, унда халқимиздаги меҳмондўстлик, меҳр-оқибат ва бирдамлик фазилатлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат тушунчалари, қолаверса, мустақам оила асосини ташкил қилувчи ота-она ва фарзандлар маънавияти чуқур бадиий таҳлил қилинган. Бунда фильм бадиий раҳбари, ёш, иқтидорли кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддиновнинг ўрнини алоҳида таъкидламоқчиман. Яна бир муҳим жиҳат: «Катта ҳовли» устида ҳам тажрибали киноижодкорлар, ҳам санъат оламига эндигина кириб келаётган ёшларимиз ишлади. Эркин Комилов, Нозим Тўлахўжаев, Муқаддас Саъдуллаевадек устозлар билан битта съёмка



майдонида учрашиш, ўйламанки, ёш актёр ва хонандалар учун ўзига хос маҳорат дарси бўлди. Шу аснода янги номларни кашф қилдик.

«Катта ҳовли» мусиқали комедиянинг илк намойиши

18 ноябрда пойтахтимиздаги Киночилар уйи ва Алишер Навоий номидаги санъат саройида бўлиб ўтади.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Tibbiyot

Самарқандда «Тиббий паразитология ва юқумли касалликларнинг замонавий муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон паразитология илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мамлакатимиз ва бир қатор хорижий давлатлардан келган тиббиёт олимлари ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда дунёдаги эпидемик вазият, соҳа вакиллари томонидан амалга оширилаётган тадқиқот натижалари ҳақида сўз юритилди. Мазкур йўналишда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистонда паразит ва юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилиб, юқори баҳоланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Ўзбекистонда хавfli юқумли касалликлар учрамаслиги, айниқса, болалар ўртасида касалланиш кўрсаткичлари кескин камайгани таъкидланди.

— Айни пайтда жаҳоннинг кўпгина давлатлари аҳолиси юқумли касалликлардан азият чекмоқда, — дейди Россия тиббий паразитология ва тропик касалликлар илмий-тадқиқот институти директори Е.Морозов. — Юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Бунга анжумандаги маърузаларни тинглаб, тиббиёт муассасаларидаги иш жараёнлари билан танишиб, тўла амин бўлдик.

Конференцияда хавfli юқумли хасталикларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, ўзаро тажриба алмашиш юзасидан таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири

Саломатлик Ва гўзаллик тимсоли

Спорт ва мусиқа чамбарчас боғлиқ. Спорт танани чиниқтиради, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Бадиий гимнастика эса айнан мусиқа садолари жўрлигида бажарилган нафис спорт тури. У қизларда иродани шакллантиради, эпчил ва нозик ҳаракат қилишга, қатъий кун тартибига риоя этиш, тўғри овқатланишга ўргатади, ўзига бўлган ишончни, саломатликни мустақкамлайди.



Шу боис қизларнинг бадиий гимнастика билан шуғулланишга бўлган қизиқиши тобора ортиб борапти. Улар учун миллий менталитетимизга хос спорт кийимларининг ишлаб чиқарилиши эса мамлакатимизда бу спорт турининг ривожланиши йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Бунга пойтахтимиздаги «Камолот» спорт мажмуасида бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича болалар очик мусобақасида яна бир бор амин бўлдик.

«Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шiori остида илк бор «Камолот кубоги» учун ўтказилган мазкур мусобақа Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Бола-

лар спортини ривожлантириш» жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Мазкур мусобақада республика бўйича 2009 — 2012 йилларда туғилган 150 нафардан ортиқ спортчи қизлар иштирок этди. Икки

кун давом этган мусобақада иштирокчилар ўз ёш тоифалари бўйича беллашди. Ёш гимнастикачилар мусобақанинг дастлабки кунда яккалик баҳсларида беллашган бўлса, иккинчи кун жамоавий чиқишларда буюм (тасма, копток, ҳалқа, арғамчи) билан ёки нафис гимнастика ва рақс машқларини бажариш — ижро маҳорати, артистизм ва машқнинг мураккаблиги бўйича ҳакамлар томонидан баҳолаб борилди.

Бугун энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларининг бунёд этилгани, уларнинг зарур анжомлар билан таъминлангани натижасида қизларнинг бадиий гимнастика билан шуғулланиш имкониятлари тобора кенгаймоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Камолот» маликаси, «Камолот» шахмат тахтаси, «Камолот» ғунчалари», «Тўмарис — спорт маликаси» каби спорт мусобақалари эса қизлар ўртасида спортни янада оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

— Ёшлигимдан гимнасти-

Qizlar sporti

ка билан шуғулланишга қизиқардим. Аммо шароит ва аёл мураббийларнинг деярли йўқлиги бу қизиқшимни армонга айлантди. Ҳозир эса спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишга имконият ва шароитлар етарли, — дейди Зулфия Юсупова. — Қизим Комила уч йилдан буён бадиий гимнастика тўғрагига қатнайдди. Спорт мажмуасида улар учун алоҳида соатлар ажратилган ва тажрибали аёл мураббийлар тайинланган. Бугун қизимнинг саломатлигида, ўқишида ижобий ўзгаришлар намоён бўлмоқда. Комила ушбу мусобақага пухта тайёргарлик кўрди. Натижада «Камолот» кубогини қўлга киритиб, ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олди. Биз ота-оналарга бундан ортиқ хурсандчилик бўлмаса керак.

Бугун барча спортнинг нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини мамнуният билан таъкидламоқда. Бу эса юртдошларимизнинг онгу шуурида спортга, айниқса, қизлар спортига нисбатан қарашларнинг тубдан ўзгаргани самарасидир. Зеро, соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — порлоқ келажак демек.

Назокат ҚУРБОННИЁЗОВА,
«Turkiston» мухбири.
Рустам Назарматов олган суратлар



«Kamolot» ko'z'gusi

Бошланғич ташкилотлар иши такомиллашганда

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мактаблардаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга доимий амалий ёрдам бериб бориш туман ва шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимнинг маънавий-ахлоқий тарбия бўйича мутахассислари зиммасига юклатилган. Бу ҳақда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йил 27 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарорда кўрсатиб ўтилган.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Бўстонлик туманида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ходимлар учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг маънавий-ахлоқий ва жисмоний тарбия, вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиқлари ҳамда туман ва шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини мето-

дик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимнинг маънавий-ахлоқий тарбия бўйича мутахассислари иштирокида ўтган семинарда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ходимларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошланғич ташкилотлари фаолияти бўйича билимларини мустаҳкамлаш, БТларнинг ўзаро тажриба алмашиши, илғор тажрибаларини оммалаштиришида кўмаклашиш, шунингдек, ҳамкорликда амалга ошириладиган келгуси режалар муҳокама этилди.

Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

Марказий Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари ҳамда «Ўқув-услугий» марказ нодавлат таълим муассасаси тренерлари томонидан ташкил этилган ўқув машғулотларда қатнашди. Шунингдек, иштирокчиларга Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш механизми бўйича маълумот берилди.

Семинар доирасида амалий машғулотлар ташкил этилиб, бошланғич ташкилотларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бўйича Ҳаракатнинг маҳаллий кенгашлари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан амалга ошириладиган истиқболли режалар ишлаб чиқилди.

Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши муассислигидаги «Етакчи» ёшлар маркази психолог Луқмон Казаков олиб борган «Ёшлар билан ишлашда замонавий психологик методлардан фойдаланиш», «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда психологик усуллардан фойдаланиш» мавзусидаги семинар ҳамда психологик тест саволлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида Ҳаракатнинг 9642 та бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, улар бир ярим миллион нафардан ортиқ «Камолот» аъзолари ҳамда икки миллион нафарга яқин «Камалак» аъзоларини ўз атрофида бирлаштирган, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудир Ахтам Рўзимуродов. — 2012 йил 27 февралда Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор имзоланди. Мазкур қўшма қарор билан Ҳаракатнинг умумий ўрта

таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари низоми ва ташкилий тузилмаси ҳам тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолият самарадорлиги ҳамда етакчи ва сардорларнинг таълим муассасасидаги мавқеини янада ошириш, энг намунали бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчиларини рағбатлантиришга қаратилган аниқ механизм яратилди. Жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бошланғич ташкилотлар учун услубий қўлланма ҳамда ўқув-услугий фильм тайёрланиб, барча умумий ўрта таълим мактабларига етказилди.

Семинар доирасида «Гумроҳлар» бадиий фильми намойиши ҳамда фильм ижодкорлари билан учрашув, шунингдек, футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат-шашка бўйича мусобақалар ҳам ташкил этилди.

Семинар якунида Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раҳбарияти билан учрашув ташкил этилди. Унда ўқув-семинар давомида эгаланган билим-қўникма, гоё ва таклифлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги томонидан 2012 йил 27 февралда имзоланган қўшма қарорнинг жойлардаги ижроси муҳокама этилиб, келгуси режалар белгилаб олинди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Xabarlar

«Камалак»нинг камолоти

Тошкент давлат юридик университетидан Юнусобод туманидаги умумтаълим мактабларининг 10—14 ёшгача бўлган ўқувчилари «Камалак» болалар ташкилотига аъзо бўлди.

Тадбирда болалар қасамёд қабул қилиб, уларга аъзолик нишонлари тантанали тарзда топширилди.

— «Камалак» аъзоси бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди тумандаги 220-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Азиза Мустаева. — Болалар ташкилотига қабул қилинган тенгдошларим орасида иқтидорли болалар жуда кўп. Мен ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қиламан. «Камалак»нинг янги аъзоларини қутлаш учун келган «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари куй-қўшиқлар ижро этди.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

Мустақимлик — менинг тақдиримга

Нукус шаҳрида «Баркамол авлод» болалар фестивалининг ҳудудий босқичи ўтказилди.

«Мустақиллик — менинг тақдиримда» мавзусидаги мазкур лойиҳа Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Унда туман ва шаҳарлардан сараланган қирқ нафар йигит-қиз либослар дизайни, тасвирий санъат, ўлкашунослик ва экология, конструкторлик йўналишлари бўйича ижодий маҳоратини намойиш этди.

Натижаларга кўра, нукуслик Умида Туримбетова, Алишер Дарибоев, Нурлан Қалбоев, Қўнғирот туманидан Ҳурлиман Сапарбоева танловнинг якуний босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Зарафшон УМАРОВА,
Қорақалпоқ давлат университети талабаси



Иқтидорлилар аниқланди

Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган юз нафардан ортиқ иқтидорли қизлар турли соҳаларда эришган ютуқлари, ижодий ишлари билан иштирок этди. Энг билимдон, зукко ва мамлакат миқёсида муайян ютуқларни қўлга киритган иштирокчилар танловнинг республика босқичида қат-

нашиш учун саралаб олинди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти тавсия этиш бўйича вилоят комиссияси аъзолари иштирокчи қизларнинг ишларини баҳолашда уларнинг илмий-амалий аҳамияти, бадиий қиммати билан алоҳида ажралиб туриши, етакчи мутахассислар томонидан юқори баҳолангани, жамоатчилик томонидан эътироф этилганини инобатга олди.

— Эътироф этиш жоизки, ушбу танлов иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг иқтидорини намоён этишга йўналтирилгани билан бизни қувонтиради. Ўзбек қизлари-

нинг 14 ёшдан бошлаб Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлиши чиндан ҳам улкан эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир. Бу мукофот бизни ўз устимизда янада жиддий ишлаш, изланиш ва интилишга ундайди, — дейди адабиёт йўналиши бўйича иштирокчи Нуржаҳонбегим Усмонова.

Таъкидлаш жоиз, танловнинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бора-япти. Энг муҳими, ушбу танлов натижасида янги иқтидорлар кашф этилмоқда.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Biznesga qadam



Ёш тадбиркор Бобур Зокиров илк бор ўзбек тилидаги глобуслар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир у «Ziyo Globus» хусусий корхонасининг раҳбари.

Корхонада ўн турдаги глобус ва бошқа ўқув кўргазмалари куруллари ишлаб чиқарилмоқда. 20 ёшли тадбиркор жорий йилда «Ташаббус»

кўрик-танловида муваффақиятли қатнашди. Унинг махсулотлари пойтахтимизда бўлиб ўтган 8-халқаро савдо-саноат ярмаркасида ҳам бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотган.

Бобур Зокиров ўқув глобусларини Марказий Осиё давлатларига экспорт қилмоқчи. Яқинда тенгдошимиз «Камолот» ЁИХ томонидан ўтказил-

ган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танловида ўз бизнес лойиҳаси билан қатнашиб, ғолиб бўлди. Энди унга корхона фаолиятини кенгайтириш учун банкдан 35 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилади.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Tadbir

Фурурим Ва ифтихоримсан, кураш

Соғлом бола йили муносабати билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Фурурим ва ифтихоримсан, кураш» мавзuida тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон кураш федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Миллий тикланиш» демокра-

тик партияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир доирасида миллий хунармандчилик буюмлари ва миллий либос-

лар кўргазмаси намойиш қилинди. Тадбирда Ўзбекистондаги хорижий дипломатик корпус вакиллари, депутатлар ҳамда ёшлар иштирок этиб, Ортиқали Қозоқовнинг миллий кураш акс этган ижодий асарлар намойишидан баҳраманд бўлди. Хунармандчилик ва либослар

кўргазмаси хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир давомида ёш полвонларнинг кураш мусобақаси ҳам ташкил этилди. Кураги ерга тегмаганлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Санжар ИСМАТОВ

Inson va tabiat

Иқлимий хавфларни бошқариш лойиҳаси

Ўзбекистон гидрометеорология маркази томонидан «Ўзбекистонда иқлимий хавфларни бошқариш» лойиҳаси асосида ёш эколог мутахассислар ва журналистлар учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда «Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммолари», «Иқлим ўзгариши борасида жамият онгини шакллантириш», «Амалий машғулотлар ва иқлимий хавфларни бартараф этиш чоралари» каби қизиқарли, долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Тоғлардаги қор захираларининг қисқариши, сел хавфининг кучайиши, текислик ва тоғолди худудларда бугланишнинг ортиши, қурғоқчилик сингари иқлим ўзгариши индикаторларининг тақдироти намойиш қилинди.

Семинар-тренинг давомида иқлим ўзгариши инсоннинг ҳар жабҳадаги ҳаракати, экосистема, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига хавф туғдиришига боғлиқ экани таъкидланди. Иқлим ўзгаришига жамиятни тайёрлаш борасида ҳам таклифлар билдирилди.

Лойиҳанинг гуруҳ раҳбари Пўлатхон Умаров ўз тақдиротида қишлоқ хўжалигида суғориш ишларини олиб бориш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш ғояларини илгари сурди.

Тадбир сўнггида талабалар, ёш экологлар келгусидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш чоратадбирлари ҳақида дастур ишлаб чиқди.

Умида МУРОДОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

«Самарқандда ўз атрофида тўпланган таълиқ олимларнинг бевосита иштироки ва ёрдамида Мирзо Улуғбек 1424-1429 йилларда шаҳар яқинидаги Обираҳмат анхори бўйида расадхона қурдирди. Ҳанузгача олимларнинг қизиқишини уйғотиб келаётган бу улкан иморатнинг баландлиги 31 метр эди. Бинонинг ички саҳни секстант ва даҳлизлар билан уч қисмга ажратилган».

Айтинг-чи, расадхона жойлашган мавзе маҳаллий аҳоли орасида қандай ном билан шуҳрат қозонган?

Жавобингизни 7 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Сапрано.
Бойсун туманидан Сардор Орипов тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмондан бир қатра

Сўзнинг ёмони амал қилинмай бекор кетганидир.

Абу Али ибн Сино

Ўзбекистон ёшларининг бош нафари — «Turkiston» 2015 йилга ҳам сизнинг маслакдошингиз.

«TURKISTON» САҲИФАЛАРИДА:

Мамлакатимизда, «Камолот» худудида — ёшлар ҳаётида рўй бераётган долзарб мавзудаги мақолалар, оригинал лавҳалар, «Сухбатдош», «Амалиётчи», «Интерактив», «Табиатнома» сингари саҳифалар, «Истиқлол фарзандлари», «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Билиб қўйган яхши» каби рўкнлар, шунингдек, бутун оламдан қизиқарли воқеалар тафсилоти, теша тегмаган гаплар, ажабтовур фотолавҳалар...

ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!



ИМТИЁЗЛИ ОБУНА УЧУН — 3203
(ИЗОХ: Тўлиқ бир йилга обуна бўлганлар учун имтиёз мавжуд)

«ОБУНА — 2015»

Turkiston

МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

БОШ МУҲАРРИР

Каримов
Фахриддин Турдалиевич

Тахрир хайъати

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шуқуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир

Бегниязова
Кумар
Алламбергеновна

Саҳифаловчи

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок.
Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1156.
Адади — 6162

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.35
ЎЗА якуни — 21.25

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5